
ТУМАН ҲОКИМЛИГИДА...

Бугун Риштон тумани ҳокимлиги залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари - Салимова Манзурахон Алимовна - (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси) ва Каримов Шерзод Адхамовичлар - (халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияси раиси ўринбосари), томонидан Сектор раҳбарлари ва уларнинг котиблари, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, туман ҳокимининг барча ўринбосарлари, тумандаги корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, туман халқпарвар комиссияси аъзолари, адлия бўлими, халқ қабулхонаси, тижорат банк раҳбарлари, ёшлар иттифоқи, ёшлар агентлиги, давлат хизматлари агентлиги, қурилиш корхоналари вакиллари, туман даврий нашри муҳаррири, туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Йиғилишни туман Кенгаши котибияти М. Мамажонов очиб, кун тартибидаги масалалар бўйича сўзни сенатор Салимова Манзурахон Алимовнага берди. М. Салимова 23-24 апрель кунлари Олий Мажлис Сенатини 14 чи ялпи мажлисида муҳокама этилган масалаларга, янги қабул қилинган норматив ҳужжатларга тухталиб тушунча бериб ўтишди ва кун тартибидаги масалалар бўйича депутатларга ва масъулларга олдимизга қўйилган вазифалар тўғрисида гапириб ўтишди.

2021-05-05 18:55:51